Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · O'ZBEKISTON

● 2013-yil, 12-mart. Seshanba ● 29 (31.619) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШИ УЧУН, АВВАЛО, ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЭЛЕКТОРАТНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ИЗЧИЛ ЎРГАНИШИ, МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЖАВОБ ИЗЛАШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН, БИРИНЧИ НАВБАТДА, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ, ЕТАКЧИЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

ЎзХДП: таҳлил ва таклиф



# ПАРТИЯ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

## *фаолиятини кучайтириш учун нима қилиш керак?*

**Бугун партия тизимида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, улар фаолиятини кучайтириш масаласига қай даражада эътибор қаратилаяпти? Бошланғич ташкилотлар ўз олдига қўйилган вазифаларни самарали адо этаяптими? Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун нималар талаб қилинади?**

(Давоми 2-бетда.)

«ЎЗБЕКИСТОН МУТЛАҚО ХАВФ-ХАТАРСИЗ МАМЛАКАТ»

*— дейди Германия ва Ўзбекистон молиявий ҳамкорлиги доирасида фаолият кўрсатаётган «Соғлиқни сақлаш: репродуктив саломатлик — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» дастури раҳбари англиялик Питер Кэмпбел*

⇨ 3



МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК

*инсонни руҳлантиради, эртанги кунга ишончини кучайтиради*

⇨ 4



2013 йил – Обод турмуш йили

# МАҲАЛЛАДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тумандаги ўнга яқин корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринларини таклиф этди.**

Бугун туманда қирқ тўққиз маҳалла ва тўққизта касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Аҳоли ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим омил бўлаётир.

Олти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган «Илғор» маҳалласида кейинги йилларда бир қатор янги тикувчилик корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди. Ўнга яқин оилавий тадбиркорлик субъекти аҳолига турли йўналишда хизмат кўрсатмоқда.

— Меҳнат ярмаркасида туманимиздаги 1-шаҳар шифохонасига ишлаш учун йўлланма олдим, — дейди Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи ўқувчиси Мафтуна Набиева. — Келгусида ўз билим ва тажрибамни янада бойитиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш, етук шифокор бўлишни мақсад қилганман.

Бундай ярмаркалар туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Бандлик

# ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

**Жорий ўқув йилида Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 51 та таълим муассасасида 52647 нафар ўқувчи 120 та йўналиш бўйича таълим олмоқда. Уларга 4809 нафар педагог ва муҳандис-педагог, ишлаб чиқариш усталари фан ва касб сирларини ўргатиб келаётир.**

— Ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини 1794 та ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг қарийб 41 фоизи уч томонлама шартномалар орқали бириктирилган корхоналар, 46 фоизи эса бошқа корхоналарга ишга жойлаштирилди, — дейди **вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси битирувчиларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўлими бошлиғи Шуҳрат Вафоев.** — 1030 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 4,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида 41 марта ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди ва 2 минг нафардан кўпроқ ёш йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Ҳозирда коллеж битирувчиларини олган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъул қилиб бириктирилган. Тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун 1659 нафар битирувчининг рўйхати шакллантирилди. Ихтисослашган меҳнат ярмаркаларини ўтказиш муддатлари белгилаб олинди.

**(Ўз мухбиримиз).**

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

# «ГРАНД ЕВРО ИНВЕСТ» ИШГА ТУШДИ

**Денов туманида Обод турмуш йилида 30дан ортиқ ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.**

Яқинда бир кунда 56 тоннадан ортиқ олий ва биринчи навли ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Гранд Евро Инвест» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

— Жаҳон стандартига мос, замонавий линияни ўтган йили Туркиядан 800 минг долларга олиб келгандик, — дейди жамият раиси Абдуқодир Баратов. — Маҳсулот шу ернинг ўзида қадоқланмоқда. Қисқа муддатда учта савдо дўкони ташкил этилди, келажакда ҳар бир туманда ана шундай шохобчалар ташкил қилинади.

— Корхонанинг иш бошлагани биз каби ёшлар учун айни муддао бўлди, — дейди корхона ишчиси Шуҳрат Баратов. — Бу кўплаб оилаларнинг рўзғори фаровон ва дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, «Гранд Евро Инвест» жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Денов» навли ун сифати билан ажралиб туради. У ўзининг арзонлиги билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Ҳозирда бу корхонада 36 киши меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан яна 25 нафари янги иш ўринлари билан таъминланади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Муносабат

# АЁЛГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ

## *келажакни улуғламоқ демакдир*

**Юртбошимизнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида аёлларнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо берилди. Опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклиги алоҳида уқтирилди. Бу сўзлар кўнглимизни тоғдек кўтарди, янада фаол, масъулиятли бўлишга ундади.**

⇨ 2

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДРИ

## *кун сайин юксалмоқда*

**Оилада суюкли ёр, меҳрибон она, сариштали бека, жамиятда фаол ва фидойи. Аёл бахтининг тўкислиги шунда. Шу боис юртимизда аёллар қадрланади, эъзозланади. Ҳаётимизнинг янада гуллаб-яшнашида, жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттиришда хотин-қизларнинг ўрни кенгайиши муҳим аҳамиятга эга.**

**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада ўтказилган «Аёл — жамият кўрки» мавзуидаги давра суҳбатида бу фикрлар алоҳида таъкидланди.**

⇨ 2

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

## *асосий вазифалардан бири*

**«Истиқбол» ёшлар қаноти Қашқадарё вилоят бўлими ташаббуси билан ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоят партия кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда қанот фаоллари иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар, дунёда ахборот хуружлари авж олиб бораётган, айниқса, турли ёт оқимлар ёвуз мақсадларига эришиш учун уринаётган бир пайтда ёшларимизни бу хавф-хатардан огоҳ этиш, уларда мустақил фикрни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашди. Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлангани, уларга ҳар бир соҳада ўз қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун катта имконият яратиб берилгани, бундан унумли фойдаланиш эса ҳар бир йигит-қизнинг бурчи ва вазифаси эканлиги алоҳида қайд этилди.

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини ошириш асосий мақсадларимиздан бири, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Зулфиқор Усмонов**. — Бугунги глобаллашув жараёнида бу долзарб аҳамиятга эга. Шу боис ёшларнинг ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини шакллантириш, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштиришига кўмаклашиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этаяпмиз.

Ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтган давра суҳбатида депутатлар, партия фаоллари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини янада кучайтириш, ҳар бир тадбирни аниқ мақсад асосида ташкил этиш борасида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Жамшид НАСРИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 12 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2645,48 | 1 Дания кронаси | 354,12 | 1 Хитой юани | 326,58 | 1 Туркия лираси | 1125,06 |
| 1 АҚШ доллари | 2030,73 | 1 БАА дирҳами | 552,90 | 1 Украина гривнаси | 254,06 | 1 Швейцария франки | 2134,46 |
| 1 Россия рубли | 66,01 | 1 Миср фунти | 300,60 | 1 Малайзия ринггити | 653,28 | 10 Жанубий Корея вони | 18,50 |
| 1 Австралия доллари | 2075,41 | 1 Исландия кронаси | 16,07 | 1 Польша злотийси | 639,54 | 10 Япония иенаси | 211,12 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3028,83 | 1 Канада доллари | 1976,38 | 1 СДР | 3062,12 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎзХДП: таҳлил ва таклиф

# ПАРТИЯ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

## фаолиятини кучайтириш учун нима қилиш керак?



**ЎзХДП Марказий Кенгашининг Ташкилий-кадрлар ишлари бўлими мудири ўринбосари Аваз Саидовга** шу саволлар билан мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам сиёсий партия жамиятда мустаҳкам ўрин топиши учун электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий таклифларни илгари суриши ва уларни амалга ошириш йўлида изчил иш олиб бориши зарур. Бу жараёнда, бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки БПТ электорат билан бевосита алоқада фаолият кўрсатади, аҳолини ўйлантираётган масалаларни яхши билади. Шу боис, қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида самарали натижаларга эришиши мумкин.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун бир қатор меъёрий, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Хусусан, «Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари тўғрисида» йўриқнома, «ЎзХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ЎзХДП Марказий Кенгаши қарорлари ижроси мунтазам назорат қилиб борилади.

Ўтган йили Андижон, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич ташкилотлар фаолиятини таҳлилий ўрганиб чиқдик. Маҳаллий партия кенгашлари қуйи бўғин ишини тизимли ташкил этиш, етакчилар салоҳиятини ошириш борасида муайян натижаларга эришмоқда.

Сирдарё туман партия кенгашида ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш куни», деб белгиланган. Шу куни туман партия кенгаши раиси, раис ўринбосари, кенгашнинг бошқа масъул ходимларини, халқ депутатлари туман Кенгашидаги жонкуяр депутатларимизни изласангиз, бошланғич ташкилотлардан топасиз. Партия фаоллари бевосита қуйи бўғинга бориб, етакчилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатадилар. Уларнинг малакасини оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказишади.

Янгиер шаҳар партия кенгаши ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни бошланғич ташкилотларда мунтазам ўтказишга эътибор қаратиб келади.

Ўз ишини замон талабларига мувофиқ тарзда олиб бораётган бошланғич ташкилотлар ҳақида гап кетганда, Тошкент шаҳри «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Республика Кўз касалликлари шифохонаси, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника, «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника, Сергели туманидаги «Сергели автотеххизмат» корхонаси қошида ташкил этилган бошланғич ташкилотлар фаолиятини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Аммо ҳамма жойда ҳам бошланғич ташкилотлар фаолияти тизимли йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Андижон вилоятида зарур меъёрий ҳужжатлар бошланғич ташкилотларга тўлиқ етказилмаган. Андижон шаҳар кенгашида бошланғич ташкилотлар етакчилигига захиралар шакллантирилмаган.

Гулистон шаҳар партия кенгаши бошланғич ташкилотлар билан мустаҳкам алоқада эмас. Иш юритиш аҳволи қониқарсиз. Очиғи, бундай камчиликларни бошқа туман ва шаҳарларда ҳам учратиш мумкин.

Бошланғич ташкилотлар биринчи навбатда туман партия кенгашлари ходимлари, тафтиш комиссияси аъзолари ва тарғибот гуруҳи вакилларига бириктирилиши керак. Бу барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан бирга, қуйи бўғин етакчилигига дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган, жамоатчилик билан ишлаш ва ташкилотчилик қобилияти юқори, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, сўзининг таъсири бўлган кишиларни сайлаш долзарб масаладир.

Бу борадаги сусткашликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маҳаллий партия кенгашларига зарурий тавсиялар берилди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Гулруҳ ОДАШБОЕВА ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Дарҳақиқат, сиёсий партиянинг халқ орасига чуқур кириб бориши, жамиятдаги нуфузи мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолияти қай даражада самарали йўлга қўйилганига бевосита боғлиқ. Қуйи бўғин иши тўғри ва тизимли ташкил этилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этади.*

*Шундай экан, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш учун яна нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш зарур? БПТни сиёсий кучнинг том маънодаги қуйи ташкилотига айлантириш нималарни талаб этади? Бошланғич ташкилотларни кучайтиришнинг қандай янги йўллари бор?*

*Биз бу масала бўйича бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари, депутатларимиз, экспертлар, олимлар, мутахассислар фикр-мулоҳазаларини кутамиз.*

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
**Факс:** (8371) 233-10-13, 233-65-45
**электрон почта:** info@uzbekistonovozi.uz

Муносабат

# АЁЛГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ

## келажакни улуғламоқ демакдир

Аёл — миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлар эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси тинч, фаровон бўлади. Аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг оғирини енгил қилишга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли экани, 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, 117-моддасида эса сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор халқаро Шартнома ва Конвенцияларни ратификация қилган. Жумладан, давлатимиз 1995 йили БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилган. Умуман олганда, мамлакатимиз тараққиётининг ўтган 21 йили давомида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 га яқин қонун ҳужжатлари кучга кирди, халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Бугунги кунда хотин-қизлар жамиятимизнинг барча жабҳаларида, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида самарали фаолият олиб бормоқда. Зукко қизларимиз, фозила аёлларимиз эса фан, санъат, маданият ва спортда юқори марраларни забт этишаяпти. Хусусан, айни пайтда юртимизда 500 нафардан ортиқ аёл фан доктори, 5 минг нафарга яқин фан номзоди бўлгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди. Қувонарлиси, хотин-қизлар оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш жорий йилда ҳам устувор вазифалардан этиб белгиланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби устувор вазифаларга алоҳида ўрин берилгани хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир аёл ўзи ишлаётган соҳага меҳр бериб, унинг ривожи учун сидқидилдан ишлаши, бир сўз билан айтганда, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши учун кенг йўл очади.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, қонун билан берилган имкониятдан фойдаланиб хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан, касаначилик асосида меҳнатни ташкил этишнинг қонуний кафолатларини янада ривожлантириш, ҳокимиятнинг барча даражадаги вакиллик органларига сайланган ўз вакиллари ваколатларидан фойдаланиб оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишига кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Буларнинг барчаси бевосита «Обод турмуш йили» Давлат дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳанг.

Шу боис хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали уларни ишга жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ишларимизда партиямизнинг ҳар бир ташкилоти, депутатлар фаол қатнашиши талаб этилади.

Аёлларга иззат-икром кўрсатиш, уни ардоқлаш, оғирини енгил қилиш миллатимизга хос фазилат ва бу минг йиллик қадриятларимизнинг таянч устунларидан бири саналади. Зеро, оиладаги тотувлик, жамиятдаги барқарорлик, юртдаги осойишталикни сақлаб туришда ҳам аёл зотининг ўрни бор.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

# ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

## фаолиятимизни изчил кучайтиришга ундамоқда



**Иброҳим ЁҚУБОВ,**

**ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.**

**Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилиш партиямиз ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг энг муҳим устувор вазифасидир. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг 28 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг 206 нафар аъзоси шундан келиб чиқиб режали асосда фаолият юритмоқда.**

Партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида 2012 йил учун белгиланган вазифалар, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари фаолияти, электорат манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар тизимли равишда ўрганилиб, халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқилди. Хусусан, ўтган йили «Ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш», «Касб-ҳунарни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш», «Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини 10-15 фоизга пасайтириш борасида олиб борилаётган ишлар», «Коммунал тармоқ ва қурилиш соҳасида сервис хизматини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш», «Қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, электр-энергия билан тўлиқ таъминлаш, техник воситалардан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш тўғрисида» каби жами 18 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида атрофлича кўриб чиқилди. Сессияларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бирор масаланинг ўрганилиши, сессия кун тартибига киритилиши ва муайян қарор қабул қилиниши билан кўтарилган муаммо тўлиқ ечим топди, деб бўлмайди, албатта. Бу борада амалий натижага эришиш учун изчил фаолият юритиш зарур. Шунинг учун айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари сессиялар қарорларининг жойларда бажарилиши устидан депутатлик назоратини олиб бормоқда.

Бу масалаларнинг ҳал этилиши электорат манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларни ўйлантириб келаётган айрим муаммоларнинг ижобий ечим топишига туртки бўлаётир. Булардан ташқари, вилоятда аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими билан биргаликда таълим муассасалари битирувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш ҳолати бўйича мақсадли ўрганиш ишлари олиб борилди. Шуни таъкидлаш керакки, ана шу ўрганиш натижасида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Маълумотларга кўра, 2012 йил мобайнида вилоятда таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун корхона ва ташкилотларда 7,5 мингта иш ўрни захира қилиб қўйилган. Мазкур иш ўринларига жойлашганларнинг 5248 нафарини таълим муассасалари битирувчилари ташкил этган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан тузилган уч томонлама шартнома талабларининг корхона-ташкилотлар томонидан бажарилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилди. Бу камчиликлар жорий йилда такрорланмаслиги учун ушбу масалада депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш зарур. Ҳозирда ҳар бир партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи шу бўйича иш олиб бормоқда.

Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари электорат манфаати билан боғлиқ инсон келажаги ва тақдирини белгилаб берувчи бу каби муҳим масалаларга жиддий ёндашиши талаб этилади. Партиянинг мамлакат тараққиётидаги роли ортиши, жамиятдаги обрўси ошиши, сайловчилар ишончи оқланишида бунинг аҳамияти катта.

Вилоят партия кенгаши Обод турмуш йилида бу борадаги ишларни янада кучайтириш, тегишли Давлат дастурлари, ҳукумат қарорларининг ижроси устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга интилмоқда. Бу йил, айниқса, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш орқали кам таъминланган аҳоли, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар ҳамда жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг бандлигини таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бу борада ижтимоий шерикчилик асосида мутасадди идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш талаб қилинади.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДРИ

## кун сайин юксалмоқда



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳақиқатан ҳам, бугун давлат ва жамият бошқаруви, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, тиббиёт, таълим, ҳаттоки ҳарбий соҳаларда, қўйингки, барча жабҳада хотин-қизларнинг хизмати беқиёс. Мамлакатимизда аёллар ўз иқтидорини намоён қилиши, қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароит яратилган. Ундан қай даражада фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ. Агар аёл ўзининг жамиятдаги ўрнини англаса, қобилиятини тўғри йўналтира олса, нафақат оила мустаҳкамлиги, шу билан бирга, жамият тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Шуниси қувонарлики, айни пайтда оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида ўз касби орқали муваффақиятларга эришаётган аёллар сафи кенгайиб бормоқда.

**Дилфуза ИБРАГИМОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиника бош врачи:**

— Оналар юрт қадрини, қадди-бастини кўтармоққа қодир, умумбашарий қадриятларни асраб-авайлайдиган фарзандларни вояга етказади. Юрт обод бўлсин, унинг шаъни улуғлансин, деб меҳнат қилади. Доим оиласига, эл-юртига наф келтиришни ўйлайди. Аёл шифокор бўлса, эл саломатлиги учун қайғуради, аёл бинокор бўлса, гўзал бинолар қуради.

Поликлиникамизда ишлайдиган ходимларнинг деярли 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида тинмай меҳнат қилмоқда. Биз, айниқса, ҳудудимиздаги туғиш ёшидаги аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Жисмонан бақувват, руҳан соғлом, маънан баркамол оналар келажаги буюк давлатнинг асоси ва пойдевори ҳисобланади.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Мухтасар Абдураҳмонова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, бу борада партия ташкилотлари, фаоллар ва депутатлар зиммасидаги муҳим вазифалар ҳамда уларни самарали бажариш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ҳар бир ҳудудда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож хотин-қизларга кўмак бериш, бу борада давлат ва жамият ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Гулруҳ САЙФИДДИНОВА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон дўстлари

# «ЎЗБЕКИСТОН МУТЛАҚО ХАВФ-ХАТАРСИЗ МАМЛАКАТ»

***— дейди Германия ва Ўзбекистон молиявий ҳамкорлиги доирасида фаолият кўрсатаётган «Соғлиқни сақлаш: репродуктив саломатлик — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» дастури раҳбари англиялик Питер Кэмпбел***

***— Аввало ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз?***

— Англияда туғилганман. Отам доктор. Оиламизни шифокорлар оиласи дейиш мумкин. Лондондаги Вестминстр университетида медицина йўналиши бўйича ўқиганман. Шундан сўнг Туркманистонда, нодавлат ташкилотлардан бирида иш бошладим. Кейинроқ сизнинг юртингизда ишлаш имконияти туғилди. Мана, етти йилдан бери Ўзбекистонда яшаб, ишлаб келяпман.

***— Ўзингиз иштирок этаётган дастур тўғрисида тўхталиб ўтсангиз?***

— Ҳозирги пайтда болалар дастури бўйича ишлаяпмиз. Офисимиз Тошкентда бўлса ҳам юртингизнинг барча вилоятларига боришга тўғри келади. Дастур ҳақида гапирадиган бўлсам, KFW тараққиёт банки ҳамкорлиги ва GFA консалтинг гуруҳи (Германиянинг Гамбург шаҳрида жойлашган, 1982 йилдан фаолият кўрсатиб келади. Дунёнинг 130 дан ортиқ давлатида турли лойиҳаларни амалга оширади) билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Дастурнинг мақсади: болалар шифохоналарини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда тиббиёт ходимлари учун тренинглар ташкил қилиш.

***— Ўзбекистонда болалар саломатлигига берилаётган эътибор ҳақида қандай фикрдасиз?***

— Ўзбекистонда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бунга кузатишларим давомида амин бўлдим. Болалар орасида учрайдиган турли касалликлар камайиб, баъзилари умуман йўқотилган.

Ҳар қандай соҳа ривожида давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳукумати болалар соғлиғини сақлаш юзасидан жуда катта лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мени қувонтирадиган жиҳати шуки, бу ишларда нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

**«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» экспертларининг ҳисоботига кўра, «Болаларни асранг» («Save the children») Халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида 161 давлат орасида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилган. Бу эътироф республикада бу борадаги ишлар юксак даражада олиб борилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.**

***— Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, қилинаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?***

— Тўғриси ҳайратдаман! Мен ўзим гувоҳ бўлган кейинги йиллар ичида, айниқса, бунёдкорлик, қурилиш соҳасида катта ўзгариш рўй берди. Нафақат бинолар, балки йўллар қурилиши бўйича ҳам ишлар таҳсинга лойиқ. Яқинда Самарқандга бориб келдим. Илгари бу шаҳар фақат тарихийлиги билан диққатимни тортганди. Ҳозирги қурилган замонавий бинолар, кенг ва равон кўчалар... Хуллас, ҳаммаси ажойиб!

***— Юртимиздаги қайси шаҳар сизга кўпроқ ёқади?***

— Аввало, менга Тошкент ёқади. Чунки асосий вақтим шу ерда ўтади. Айтишим мумкинки, Тошкент катта шаҳар. Йўллари ҳам кенг. Масалан, Лондонда кўпинча машиналар тирбандлигидан азият чекамиз. Тошкентда эса бунинг акси. Бу шаҳар инфратузилмасида ҳамма томон ҳисобга олинганлигини кўрсатади. Яна бир жиҳат, мен пойтахт ресторанларини яхши кўраман. Умуман ўзбек таомларининг баҳоси йўқ.

Пойтахтдан кейин Бухорога меҳрим бўлакча. Бу ерда тарихий ва замонавий шаҳарсозликнинг ажойиб уйғунлигига гувоҳ бўлганман. Бухородаги тарихий обидалар бир-бирига ўхшамайди, бир-бирини такрорламайди. Ранг-баранг, ўзига хос.

Самарқандга ҳам кўп борамиз, жуда ҳам гўзал шаҳар. Айниқса, Регистон майдонининг қандайдир сеҳри бор. Тунда Регистонни томоша қилишнинг гашти бошқача. Ўшанда майдоннинг гўзаллиги ёрқин намоён бўлади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашим керак: ўзбек меъморчилик санъатининг тарихига ҳам, бугунига ҳам қойил қоламан. Умуман бошқача, умуман бетакрор.

***— Ўзбек маданияти билан қай даражада танишсиз?***

— Менга энг ёққани — ўзбеклардаги оқибат, ҳурмат. Улар доимо сенинг оиланг, тинчлигинг, ишларинг қандайлиги билан қизиқади. Биринчи бор кўриб турган одамни ҳам уйига, меҳмондорчиликка чақириш одати фақат ўзбекларда бўлса керак.

Бу ерда миллий қадриятларга, маданиятга бўлган ҳурмат юқори даражада эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Миллатлараро тотувликка ҳам ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистонда кўплаб миллат вакиллари тинч-тотув яшаб келишмоқда. Бу — давлатнинг тўғри юритаётган сиёсати натижаси.



Ўзбекистонга келиш истагида бўлган танишларим мендан доимо «У ерга борсак бўладими, хавфсизлик даражаси қандай?» деб сўрашади. Мен доимо «Бемалол келаверинглар, Ўзбекистон мутлақо хавф-хатарсиз мамлакат», дейман. Бир нарса аниққи, Ўзбекистонга келган одамнинг у ҳақдаги тасаввурлари тамоман ўзгариб кетади. Чунки интернет орқали кўришдан ўз кўзи билан кўришнинг фарқи катта.

Ҳар гал Европага борганимда Ўзбекистоннинг мевалари, айниқса, тарвуз ва қовунини соғинаман.

***— Байрамларимиз ҳақидаги фикрларингиз?***

— Менга байрамларда оила аъзоларининг бир дастурхон атрофида йиғилиши маъқул келди. Европада байрам кунлари турли жойларга бориш анъана тусига кирган. Сизда эса ўзининг яқинларидан хабар олишади. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, байрамларда бир-бирига турли таомлар чиқаради. Айниқса, Ҳайитда қўшниларим чиқарган ош, турли ширинликларни маза қилиб ейман.

***— Тошкентда сиз учун энг севимли жой қаер?***

— Менга Тошкент гольф клуби жуда ҳам ёқади. У ер доимо ям-яшил бўлиб туради. Оқар сув бор, қушларнинг овози кайфиятга ўзгача таъсир қилади. Яна Амир Темур хиёбони ва кўчасини ҳам яхши кўраман. У ерда чиройли бинолар бор. Айниқса, кечқурун Тошкент ўзгача чирой касб этади.

Бир пайтлар собиқ иттифоқ бутун дунё учун ёпиқ эди. Шу боис Ўзбекистон ҳақида ҳам ҳеч нарса билмасдик. Мустақиллик туфайли бугун Ўзбекистонни бутун дунё танийди. Тан олади, эътироф этади.

Мустақиллик аввало одамга ўзидан, миллатидан ва юртидан фахрланиш туйғусини беради. Ўз тилида эркин гаплашиш ҳам муҳим.

***— Лойиҳа юзасидан яқин йилларда қандай ишларни амалга оширмоқчисизлар?***

— Ҳозирги пайтда Германия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида молиявий-корпоратив лойиҳа ишлаб чиқилган. Бунга асосан тор тармоқли болалар поликлиникаларига турли тиббий жиҳозларни, масалан, ташҳис қўйишга асосланган энг сўнгги ускуналар ўрнатиш кўзда тутилган. Яқин бир-икки йилда бу лойиҳа тўлиқ якунланади.

Бундан ташқари, ўзбекистонлик болалар шифокорларига турли тренинглар ўтказишни режалаштиряпмиз. Бунда чет эллик таниқли мутахассисларни жалб этиш ниятимиз бор.

***— Ҳозирги кунда болалар касалликларидан қайси бирини жаҳон тиббиёти энг хавфлиси деб ҳисоблайди?***

— Сўнгги йилларда сайёрамизда иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида турли касалликлар пайдо бўлмоқда. Улар орасида малярия (инфекцион касаллик) энг хавфли ҳисобланади. Бу касаллик ғарбда пайдо бўлган. Айни пайтда у Ўзбекистонга ҳеч қандай хавф солаётгани йўқ. Лекин бу ортиқча хотиржамликка сабаб бўлмаслиги керак. Шифокорлар турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан тинимсиз изланишлар олиб бориши зарур.

***— Ўзбекистон халқига ва болаларга тилакларингиз?***

— Биринчи ўринда халқингизга соғлиқ тилайман. Ота-оналар соғ бўлса, уларнинг фарзандлари ҳам соғлом бўлади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига мутасадди бўлган шифокорларга раҳмат айтмоқчиман. Бугунги куни чиройли ўтган одам эртанги кунга ҳам умид билан қарайди. Ўзбекистон халқи келажакка ишониб яшайди. Уларни эртага бундан-да ёруғ кунлар кутаётганига шубҳа йўқ. Яна бир тилагим, худо ҳамиша сизларга ёр бўлсин!

Тошкентдаги Мустақиллик майдонида кўп бўламан. У ердаги она ва болага ўрнатилган ҳайкални ҳар гал томоша қиламан. Ва ўйлайман, Ўзбекистонда нафақат оналар, балки давлат ва Президент ҳам болаларни бағрига босиб, болаларни асрамоқда.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.**

Миллий матбуот марказида

**«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан тизим корхоналари фаолиятининг 2012 йил якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЯНАДА ОРТАДИ

Дастлаб компания раиси ўринбосари Зокир Қўчқоров тизимда кимё тармоғини комплекс равишда ривожлантириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Ўтган йилда компания корхоналари томонидан қиймати 1560,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Унинг 103 миллиард сўмдан ортиғини халқ истеъмоли моллари ташкил қилади. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш борасида компания корхоналари томонидан 205,72 миллион доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 201,44 миллион долларлик маблағ жалб этилган. Хусусан, «Навоийазот» ОАЖда республикамиз электротехника саноатини ривожлантириш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник кремний ишлаб чиқарувчи янги қўшма корхона ишга туширилди. «Деҳқонобод калий ўғитлари заводи» унитар корхонасининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати яна 20 минг тоннага кўпайтирилди.

Бундан ташқари, «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида карбамид ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилига 270 минг тоннага етказилди.

Компания корхоналарида айни пайтда минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, пахта экишда қўлланиладиган плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилда «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан мамлакатимиз илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда 11 та инновация лойиҳасини амалга ошириш ҳамда импорт ўрнини босадиган воситалар ва препаратлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# ЯНГИ БАНКНОТЛАР

## муомалага чиқарилиши мумкин

***Эрон маъмурияти 200 минг ва 500 минг риаллик янги банкнотларни муомалага чиқаришни мўлжаллаб турибди, дейилади «Mehr News Agency» ахборот агентлиги хабарида.***

Айни пайтда Эронда энг йирик пул бирлиги 100 минг риалдир (расмий курс бўйича 8 доллар атрофида, «қора бозор»да эса 2,5 долларга тенг).

200 минглик банкнотлар шу ой охирида муомалага киради, 500 минглик купюралар эса яқин 2 йилда муомалага чиқарилади.



Агентлик ахборотида қайд этилишича, ўтган йили Европа Иттифоқи ва АҚШ Эронга нисбатан иқтисодий санкция эълон қилгач, Эрон риали 50 фоизгача қадрсизланиб кетди. Жорий йилнинг февралида 1 доллар Эрон «қора бозори»да 40 минг риалга чиқди. 2011 йил охирида бу кўрсаткич 13 минг риалнинг нари-берисида «ўйнаб» турганди.

Эслатиб ўтамиз: 2012 йилнинг ёзида Европа Иттифоқи ва АҚШ Эронни ядро дастуридан воз кечишини талаб қилиб, унга нисбатан иқтисодий санкция қўллаган. Халқаро энергетика агентлигининг ҳисоб-китобича, иқтисодий санкция боис Эрон иқтисодиёти 40 миллиард доллар зарар кўрган.

# ИШСИЗЛИК

## ортиб бормоқда

***Евро ҳудудига кирувчи 17 та мамлакатда ишсизлик жорий йилнинг январь ойида 11,9 фоизга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг декабрида 11,8 фоизлик даражада эди, дея хабар беради «Eurostat» маълумотларига асосланиб «Bloomberg» нашри.***

Ишсизлик, айниқса, ёшлар ўртасида 24,2 фоизга етган. Испанияда бу ҳолат ўта оғриқли тус олгани ачинарли — 55,5 фоизнинг нари-берисида «қалқиб» турибди.

Умуман, Испания Меҳнат вазирлиги ва Миллий статистика бюроси маълумотларига қараганда, айни пайтда Испанияда ишсизлар сони 5 миллион кишидан ортиб кетди.

# ЎҒИРЛИКЛАР

## тинимсиз содир этилмоқда

***«Shell» нефть компаниясининг Нигериядаги бўлинмаси ҳисобланмиш «SPDC» компанияси «Nembe Greek» нефть қувурлари уюшган жиноятчи гуруҳлар томонидан ноқонуний тешилиб, нефть ўғирлиги чек-чегарасиз содир этилаётганлиги сабабли ушбу қувур ёпилиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди.***

«The Guardian Nigeria» нашри хабар беришича, «Nembe Greek» нефть қувурларидан бир кеча-кундузда 150 минг баррел нефть оқиб ўтаётган бўлса, унинг 60 минг баррели ўғирланмоқда. Бунинг устига қувурларни жиноятчи гуруҳлар тешиб кетиши оқибатида атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, Нигерия Африкадаги йирик нефть ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳисобланади. Мазкур мамлакат айнан нефть ўғрилари дастидан кунига 6 миллиард доллар зарар кўрмоқда.



Дарвоқе, мамлакатда кунига 2 миллион баррелга яқин нефть қазиб олинади.

Ижтимоий ҳимоя

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИГА МУҚИМ ИШ ЖОЙИ

**Президентимизнинг 2012 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.**

— Корхонамиз ва Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи ўртасида ўқувчиларнинг амалиёт ўташларини ташкиллаштириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилганлигига саккиз йил бўлди, — дейди «Қизилқумцемент» ОАЖ масъул ходими Наргиза Ражабова. — Бундай манфаатли ҳамкорлик ҳар томонлама самара бераётир. Биргина, 2012 йилда 150 нафар ўқувчи ишлаб чиқариш жараёнларида амалиёт дарсларини ўтаган бўлса, шундан 40 нафари корхонада барқарор иш жойларига эга бўлди.

Атхам Эргашев ўтган йили мазкур коллежнинг «Электр жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича тугатиб, танлов асосида корхонанинг тоғ-кон мажмуаси «Оҳактош, сланец, диабаз-пироксенит» конига 3 ой синов муддати билан ўқувчи — электр монтёр этиб ишга қабул қилинди.

— Ўқиш давридаги орзуим амалга ошиб, шундай нуфузли корхонага ишга қабул қилинганлигимнинг дастлабки куниданоқ бу ердаги ҳар бир ишчи-ходим зиммасидаги масъулиятни кўриб, тўғриси, ушбу касбга ҳурматим янада ошди, — дейди у.

Яқинда коллеж битирувчилари билан «Қизилқумцемент» ОАЖ ўртасида навбатдаги учрашув ўтказилди. Унда корхона учун зарур мутахассислар тайёрлаш, уларга бўлган эҳтиёж ва ўз ўрнида ёш битирувчилар олдига қўйилган талаблар, ҳамкор сифатида коллеж битирувчиларининг билим савияси, амалиёт жараёнларидаги иштироки, уч томонлама шартномаларни имзолашда эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар атрофлича муҳокама қилинди.

— Бўлиб ўтган учрашув битирувчи сифатида мени сергак тортдирди, — дейди 3-босқич ўқувчиси Гулшода Орзиқулова. — Негаки, бугунги кун ҳар бир кишидан билимли, замон билан ҳамнафас, илғор бўлишни талаб этади. «Қизилқумцемент» биз ёшларни доимий иш ўринларига эга бўлишимиз учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Бунга муносиб бўлиш учун билим ва салоҳиятимизни, ғайрат ва шижоатимизни кўрсатадиган вақт келди. Мен ҳам корхонада амалиёт дарсларини ўташга тайёргарлик кўрмоқдаман. Бу жараёнларда фаол қатнашиб, олган назарий билимларимни амалиётга татбиқ этиб, корхона ишончини оқласам дейман.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Мулоҳаза

**Бугун юртимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида 2012 йилда коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.**

# МЕҲНАТ БОЗОРИДА

## *касб-ҳунар малакасига эга бўлган ёшларнинг ўрни*

Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, юксак билимли ишчи кучининг мунтазам тайёрланишига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, таълим самарадорлигининг 16 фоизи — моддий-техника базага, 20 фоизи — ресурсларга, 64 фоизи — инсон омилига боғлиқ. Шундай экан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминлаш масаласида уч томонлама шартнома тузиш амалиёти йўлга қўйилган. Афсуски, бу борада айрим ноаниқлик ҳам йўқ эмас.

Булар қуйидагилар — ҳақиқатан ҳам шартномада кўрсатилган иш ўрни мавжудми; резерв қилиб таклиф этилаётган иш ўринлари ниманинг ҳисобига яратилган; у янги яратилган иш ўрними ёки ишчиларнинг бўшатилганлиги боис бўш қолган иш ўрними; иш ўринлари ҳақиқатан ҳам битирувчининг мутахассислигига тўғри келадими ва ҳоказо.

Агар бу каби вазиятларни аниқлаб, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда чоралар кўрилса, барқарор иш ўринларини яратишга эришиш мумкин. Ҳолбуки, бугун коллеж битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиниб, уч ойдан сўнг корхона фаолиятининг тугатилиши сабабли ишсиз қолаётгани ҳам учраб турибди.

Ёшларни ишга жойлаштириш масаласи мавсумий тушунча эмас. Бу ҳар куни амалий ишларни бажаришни, истиқболли лойиҳаларни илгари суришни, муаммоларни ўрганиш ва рационал ечимини топишни талаб қиладиган масаладир.

Ҳозирги кунда ёшларни иш билан таъминлашда муаммолардан бири — бу, ёш кадрларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат бозорида етарлича рақобатбардош эмаслиги. Бугун меҳнат бозоридаги талаб анча баланд.

Шуларни ҳисобга олиб, касб-ҳунар коллежларида малакали мутахассислар тайёрлаш, бу борада битирувчилар учун амалиёт ишларига талабни ошириш зарур.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

Эзгу амал, эзгу иш

# МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК

## инсонни руҳлантиради, эртанги кунга ишончни кучайтиради

**Яқинда Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фондининг 2012 йил якунлари ва жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, фонд Васийлик кенгаши раиси Анвар Алимов кириш сўзи билан очди.**





***Ўйлаймизки, инсонларга беминнат кўмак бериш, муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда эртанги кунга ишонч уйғотиш каби муқаддас вазифани ўз зиммасига олган фонд фаолияти келгусида бундан-да кенгаяди.***

— Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди томонидан қилинаётган хайрли ишлар замирида энг аввало, инсон манфаати, унинг саломатлиги, ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсад мужассам, — **деди у.** — Фонднинг 2012 йил мобайнидаги фаолияти ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўтган йилда фонд ҳисоб-рақамига уч миллиард уч юз миллион сўмдан ортиқ маблағ келиб тушган. Шундан ёлғиз, боқувчисини йўқотган, бемор кишиларни республикамиз ва чет элларда жарроҳлик йўли билан даволаш учун ҳамда меҳнатга лаёқатсиз, табиий офат, бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан шахсларга ижтимоий ва ўта зарур бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами — 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди. Бу рақамлар замирида қанча инсонлар тақдири ва келажаги ётибди...

**Тадбирда, шунингдек, фонд Васийлик кенгаши аъзоси, Сенатор, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ҳамда Бошқарув кенгаши аъзолари, вилоят, шаҳар, туман ваколатхоналари раислари иштирок этди.**

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари, унинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадлари мужассам, — деди **фонд бошқаруви раиси Асрор Мирзаҳмедов.** — Бу борада фонд томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда асосий маблағ фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, бемор инсонларга кўмак бериш, малакали шифокор маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, ёлғиз қарияларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар билан таъминлаш, жисмоний имконияти чекланганларга протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари етказиб беришга сарфланди.

Шунингдек, республикамиз миқёсида аҳоли ўртасида соғлом турмуш-тарзини тарғиб қилишга қаратилган «Миллий қадриятлар ва оилавий тарбия», «Соғлом турмуш тарзи» каби мавзуларда семинар, давра суҳбати ва очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Бундай тадбирларни ўтказишда фонд ва унинг вилоят, шаҳар, туман ваколатхоналарига маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамоат фондлари яқиндан кўмаклашишди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига ҳам ҳомийлик қилиш фондимизнинг энг асосий вазифалари сирасига киради. Шу мақсадларга ўтган йили 940 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Айниқса, бу борада Қашқадарё, Жиззах ҳамда Тошкент вилояти ваколатхоналари катта ишларни амалга оширди.

2012 йилда ўткир респиратор инфекциялари ва грипп касаллиги бўйича ўтказилган профилактик ва эпидемияга қарши кураш мақсадлари учун 1 миллиард 200 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Тадбир давомида фонднинг жорий йилдаги вазифалари ҳам муҳокама этилди.

Жумладан, 2013 йилда Андижон, Сирдарё, Самарқанд ҳамда Сурхондарё вилоятлари ваколатхоналари фаолиятини янада жонлантириш, улар ишини белгиланган тартибда йўлга қўйиш, турли семинарларни мунтазам ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, фонднинг барча ваколатхоналарига моддий ва маънавий кўмак сўраб мурожаат қилган кишиларнинг ҳаёти, оилавий шароити билан танишиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ота-оналарнинг тиббий ва эстетик маданиятини ошириш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда янги дастур ва режалар ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилди. Бунинг учун Обод турмуш йилига бағишланган «Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустаҳкамлиги» «Обод маҳаллам — обод юртим» мавзуларида амалий семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда фонд харажатларининг 92,7 фоизини хайр-эҳсон ва ҳомийлик, 7,3 фоизини хўжалик харажатлари ташкил этди.

Ўйлаймизки, инсонларга беминнат кўмак бериш, муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда эртанги кунга ишонч уйғотиш каби муқаддас вазифани ўз зиммасига олган фонд фаолияти келгусида бундан-да кенгаяди, ундан одамлар янада кўпроқ манфаат кўради.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Футбол

# ИККИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари иккинчи турдан жой олган айрим учрашувларда майдонга тушди.**

Тошкентда «Бунёдкор» жамоаси Қаршининг «Насаф» футболчилари билан куч синашди. Унда мезбонлар рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди — 3:0. Голларни Александр Пишчур, Фозил Мусаев ҳамда Алибобо Раҳматуллаевлар киритди.

Кутилмаган натижа эса Фарғонада «Нефтчи» — «Металлург» жамоалари баҳсида кузатилди. Унда Суннатилла Мамадалиев томонидан киритилган тўп меҳмонларга муҳим уч очкони туҳфа этди — 0:1.

Яна бир учрашув эса «Олмалиқ» — «Қизилқум» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди — 2:1.

Аммо кучли қор ёққанлиги боис, «Шўртан» — «Пахтакор», «Динамо» — «Гулистон», «Бухоро» — «Сўғдиёна», «Навбаҳор» — «Локомотив» ўйинлари бошқа муддатларга қолдирилди. Бу баҳсларнинг қачон ўтказилиши ПФЛ томонидан кейинроқ маълум қилинади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

### ОБ-ҲАВО 12-13 — 03. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / +5 | +10 / +15 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +5 / +10 | +13 / +18 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +5 / +10 | +15 / +20 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +7 / +12 | +15 / +20 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +2 / +7 | +10 / +15 |
| Тошкент шаҳри | +6 / +8 | +16 / +18 |

Дунё бўйлаб (°C)

| Шаҳар | Ҳарорат |
|---|---|
| Лондон | -3 / 0 |
| Париж | -2 / -2 |
| Москва | -15 / -12 |
| Мадрид | +5 / +2 |
| Пекин | +4 / -1 |
| Канберра | +13 / +13 |
| Рим | +7 / +7 |
| Афина | +10 / +10 |
| Токио | +4 / +9 |
| Стокгольм | -11 / -7 |
| Кейптаун | +21 / +17 |
| Қоҳира | +11 / +14 |
| Гавана | +20 / +19 |
| Вашингтон | +11 / +10 |

Кўргазма

**Ўқитувчи-рассомлар Абдуғани Қосимов ва Ноила Раҳимова фарзандлари Наргиза, Шоҳрух ва Сарвиноз билан биргаликда ўзлари ишлаётган пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактабида расмлар кўргазмасини ташкил этишди.**

# РАССОМЛАР ОИЛАСИ

Улар шу даргоҳда ўқишди ва турмуш қуришди, ҳозиргача ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, ишда ҳам бирга. Фарзандлар ҳам ота-онаси изидан бориб санъат йўлини танлашди ва шу масканда таълим олишди.

Обод турмуш йилига бағишланган мазкур кўргазмада рассомлар оиласининг манзара, портрет ва декорация каби жанрларда ишланган 50га яқин санъат асарлари намойиш этилди. Кўргазмада иштирок этган Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари, санъатшунос ва рассомларга, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшларга рассомларнинг шудрингдек тоза рангларда чизилган «Сўқоқ», «Оқтош», «Илиқ кун», «Ҳаёт куйи», «Булутли кун» сингари асарлари манзур бўлди.

— Баҳор — янгиланиш фасли, — дейди рассом Абдуғани ҚОСИМОВ. — Шу боис баҳор нафасидан илҳом олиб, кўпроқ манзара жанрида ижод қиламиз. Фарзандларим бошқа жанрларда чизган расмларини ҳам кўргазмага қўйишди. Бу уларнинг биринчи кўргазмаси. Яқин кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясида ҳам оиламизнинг катта кўргазмасини ташкил қилиш ниятимиз бор.

**Альбина ЖУМАНОВА**



Спорт

# ИШОНЧ ВА ШИЖОАТ

**2012 йил 18 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда аёллар футболини ривожлантиришга қаратилган фармойиши эълон қилинди. Унга кўра, ҳозирда Ўзбекистон профессионал лигасида иштирок этаётган олий лиганинг барча 14 та клуби қошида аёллар футбол жамоаларини тузиш кўзда тутилган.**

Айни пайтда олий лиганинг «Металлург» (Бекобод) футбол клуби қошида аёллар жамоаси шакллантирилмоқда. Унга Шерали Бобоқулов бош мураббий этиб тайинланди.

— Шу йилнинг январь ойидан машғулотларга киришгандик, — дейди бош мураббий. — Дастлабки ўқув-машғулот йиғинида вилоятимиз ҳамда мамлакатимизнинг турли шаҳар, туманларидан саксон нафардан зиёд қиз иштирок этди. Ҳозирда шулар орасидан сараланган йигирма уч нафар футболчи машғулотларимизда қатнашмоқда.

— Бекободда аёллар футбол жамоаси ташкил этилаётганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, — дейди оққўрғонлик Ўғилой Эляшова. — Илгари асосан Тошкент, Қарши ҳамда Андижон шаҳарларида қизларнинг мунтазам футбол билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилганди. Дугоналарим Гулшан Шодиева, Умида Худойбоқова, Юлдуз Шодиевалар билан дастлабки кўрикдан муваффақиятли ўтдик. Мураббийларнинг билдирган ишончи бизни машғулотларда астойдил тер тўкишга ундамоқда. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар келажакда Бекободда ҳам кучли жамоа шаклланишига кафолат беради.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратда:*** *машғулотдан лавҳа.*



Реклама

**Вниманию руководителей организаций и предприятий!**

## Филиал Телекоммуникация Транспорт Тармоги АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**По объекту:** Капитальный ремонт здания филиала Телекоммуникация Транспорт Тармоги АК «Узбектелеком» по улице Янги Чорсу в городе Коканде Ферганской области.

**Стартовая стоимость заказчика:** — 286 206 116 сумов с учетом НДС, 238 505 097 сумов без учета НДС.

***Срок завершения строительства — 3 месяца.***

**Источник финансирования** — собственные средства филиала Телекоммуникация Транспорт Тармоги АК «Узбектелеком».

Конкурсные торги будут проводиться среди субъектов малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга —

***ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.***

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — сто пятьдесят тысяч сумов.

***Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22, тел. 8(371)241-30-11, (+99893) 397-73-34.***

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по нижеуказанному адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

***Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании по адресу г. Ташкент, ул. Олой, 23.***

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «BIG MAK FOOD» хусусий корхонаси (ИНН301633169, МФО 00443)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: *Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасув – 1 мавзеси, 11-уй, 14-хонадон.*

***Мурожаат учун телефон:*** *(+99893) 391-38-20.*

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «MANAGEMENT BROK» масъулияти чекланган жамияти (ИНН205572539, МФО00425)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: *Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 18-даҳа, 40-уй, 28-хонадон.*

***Мурожаат учун телефон:*** (+99893)391-38-20.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши жамоаси партия фаоли, «Нуроний» жамғармаси Янгийўл туман бўлими раҳбари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати **Лола АЛИҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
20311 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5